

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТОШПЎЛАТОВА АРОФАТ ЗИЁВУТДИНОВНА

**МАРФАН СИНДРОМИДА КЎЗДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ КЛИНИК-
ДИАГНОСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЖАРРОҲЛИК УСУЛИДА
ДАВОЛАШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Тошпўлатова Арофат Зиёвутдиновна

Марфан синдромида кўздаги ўзгаришларнинг

клиник-диагностик хусусиятлари ва жарроҳлик

усулида даволаш 3

Тошпўлатова Арофат Зиёвутдиновна

Клинико-диагностические особенности и

хирургическое лечение глазных

проявлений синдрома Марфана 21

Toshpulatova Arofat Ziyovutdinovna

Clinico-diagnostic features and surgical

treatment of ocular manifestations

of Marfan syndrome 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТОШПЎЛАТОВА АРОФАТ ЗИЁВУТДИНОВНА

**МАРФАН СИНДРОМИДА КЎЗДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ КЛИНИК-
ДИАГНОСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ЖАРРОҲЛИК УСУЛИДА
ДАВОЛАШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib40 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия медицина институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tdsi.uz ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бузруков Ботир Тулқунович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Билалов Эркин Нозимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Имантаева Майра Беримжановна (Қозоғистон)
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

РФ ССВ «Академик С.Н.Федоров номидаги «Кўз микрохирургияси» ТИТК, МГТМ» (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А.Ризаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л.Э.Хасанова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Х.М.Камилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёда офтальмология соҳасининг долзарб муаммоларидан бири катаракта ва кўз гавҳари касалликларини замановий усулларда даволаш тизимини татбиқ этишдан иборат. Кўз олмаси туғма аномалиялардан–Марфан синдроми гавҳарнинг жойидан силжишига олиб келувчи сабаблардан бири ҳисобланади. Марфан синдроми ирсий касаллик бўлиб, бириктирувчи тўқиманинг зарарланиши билан кечади, яъни «аутосом-доминант тип бўйича наслдан-наслга ўтиши, бириктирувчи тўқимада нуксон бўлгани учун организмнинг скелет, кўз, қон томирлар, асаб тизими, тери, ўпка каби турли тизимларида патология келиб чиқади...».¹ Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) томонидан берилган маълумотларга кўра дунёда «...10 минг боладан биттаси Марфан синдроми билан туғилиши, касаллик 15-хромосомадаги оксил фибриллин гени мутациясига боғлиқлиги, бу мутация фибриллин тузилиши ва ишлаб чиқарилишида аномалияларга олиб келиши исботланган...»². Марфан синдроми бор инсонларнинг ярмидан кўпроғида кўз гавҳарининг биттасида силжиш кузатилган. Гавҳар силжиши минимал ёки сезиларли бўлиши мумкин. Бундан ташқари беморларда миопия, глаукома ва катаракта каби касалликлар кузатилган.

Жаҳонда Марфан синдромида кўздаги ўзгаришларнинг клиник-ташхислаш хусусиятлари ва жарроҳлик усулида даволашнинг юқори самарадорлигига эришиш учун Марфан синдромининг учраш сони ҳамда унинг клиник-ижтимоий тавсифи, хужайра энергетик метаболизмида иштирок этувчи ферментлар функционал фаоллиги ва микроэлемент мақомини баҳолаш бўйича қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Марфан синдроми бўлган болаларда гавҳар эктопияси ривожланишининг олдини олиш мақсадида профилактик даволаш усуллари ишлаб чиқилмоқда. Марфан синдромида гавҳар касалликларини эрта ташхислаш ва гавҳарни олиб ташлашда операция давомида ва операциядан кейин юзага келадиган асоратлар хавфини камайтириш самарадорлигини баҳолаш, гавҳардаги ўзгаришларни хирургик даволаш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган соғломлаштириш чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда сурункали касалликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини янада ислоҳ қилиш, оналик ва болалиқни муҳофаза

¹ Делягин В.М., Синдром Марфана // Практическая медицина, 2008. №28. – С. 39–43; Ольхова О.В. Родинна форма синдрому Марфана: варианты вад очей // Мистецтво лікування, 2010. №6 (72). – С. 110–112.

² Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотлари, 2017 йил.

қилиш...»¹ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни бажариш кўриш аъзоларининг турли даражадаги касалликларига ўз вақтида сифатли ёрдам кўрсатиш, олдини олиш ва ташхислаш, замонавий технологиялар қўллашни такомиллаштириш, аҳоли орасида касалланиш даражасини аҳамиятли камайтириш, аҳолининг ҳаёт давомийлигини ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бириктирувчи тўқиманинг туғма ва ирсий касалликлари бутун дунёда қайд этилмоқда.

Инсонлар эволюцияси жараёнида тўпланиб қолган кўп сонли мутациялар, жинсий хужайраларда юзага келадиган янги ирсий ўзгаришлар, экологик, атроф-муҳит омиллари популяцияда наслий касалликлар сонини ортишига олиб келиши қайд этилмоқда (Земцовский Э.В.2013; Насу Х., Краснова Е.Е., Селезнев А.В., 2013; Moreno-Montan˜es J., Sainz C., Maldonado M. J., 2003).

Сўнгги йилларда кўплаб хорижлик муаллифлар томонидан Марфан синдромида силжиган гавҳарни олиб ташлаш ташхисоти ва операциясини эрта ташхислаш бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган (Ahmed Samir, 2011; Fan F., 2014; Gimbel H., 2012; Gonnermann J. 2014; Hirashima D.E., 2010; Milla E., 2011; Miraldi U.V., 2014; Rodrigo B., 2014). МДХ мамлакатлари олимлари Иошин И.Э., Алексеев В.Н., Паштаев Н.П., Шиловских О.В. (2002, 2006) томонидан олиб борилган тадқиқотларда турли моделдаги интраокуляр линзаларни қўллаш орқали Марфан синдромида гавҳар дислокацияси бўлган беморларнинг хирургик реабилитацияси ўз аксини топган.

2009 йилда Ушаков С.А. ва Исаков И.А. томонидан Марфан синдромида гавҳарнинг сублюксациясида, шунингдек орқа капсула ёрилишида эгилювчан интраокуляр линзаларнинг имплантация усули, таклиф этилди.

Афсуски, ушбу муаммога бағишланган кўп сонли илмий нашрларга қарамасдан, мазкур касалликни эрта ташхислаш масалалари, касалликни офтальмологик кўринишларини тавсифи етарли даражада ёритиб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

берилмаган. Марфан синдромида кўздаги ўзгаришларни жарроҳлик йўли билан тўғрилаш усулларига бағишланган ишлар оз сонни ташкил этади. Ушбу касалликни мавжудлигини аниқлашнинг биронта ҳам ишончли усули мавжуд эмас, шу билан боғлиқ ҳолда ташхис кўп сонли текширишлардан олинган маълумотларни таққослаш асосида қўйилади.

Тиббий технологиялар прогресси ва эрта диагностика Марфан синдроми бўлган инсонларни ҳаёти сифатини яхшилаган ва уларнинг ҳаётини узайтирган бўларди. Микрохирургия техникасини такомиллаштириш ва гавхар боғламлари касалликларини эрта диагностикаси бундай гавхарларни олиб ташлашда операция пайтида ва операциядан кейинги асоратларни келиб чиқиш хавфини камайтиради. Охириги йилларда интраокуляр линзаларнинг турли хил моделларини кенг қўллаш натижасида Марфан синдромида гавхар дислокацияси бўлган беморларни хирургик реабилитацияси имкониятлари сезиларли кенгайди. Юқорида қайд қилинганларнинг барчаси тадқиқот ўтказишимиз кераклигига тўртки бўлди. Республикамизда бугунги кунга қадар ушбу муаммонинг ечимини топишга йўналтирилган тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 1980006703 «Болаларда туғма ва орттирилган кўз касалликларини ташхислаш ва даволаш тизимини такомиллаштириш» (2013–2016) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда Марфан синдромида кўздаги ўзгаришларни эрта ташхислаш, хирургик даволаш ва олдини олиш механизминини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Марфан синдромининг учраш сони ҳамда унинг клиник-ижтимоий тавсифини аниқлаш;

Марфан синдроми бўлган болаларда ҳужайра энергетик метаболизмида иштирок этувчи ферментлар функционал фаоллиги ва микроэлемент мақомини баҳолаш;

Марфан синдромида дерматоглифик ва генеалогик белгиларни баҳолаш;

Марфан синдроми бўлган болаларда гавхар эктопияси ривожланишининг олдини олиш мақсадида профилактик даволаш усуллари ишлаб чиқиш;

Марфан синдромида кўздаги ўзгаришларни хирургик даволаш усуллари такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Марфан синдроми ташхиси қўйилган Республика скрининг марказида тиббий-генетик маслаҳати назоратида бўлган 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган 105 нафар ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти шифохонасида стационар шароитда даволанган 45 нафар беморлар, шунингдек, назорат гуруҳига жалб этилган 78 нафар соғлом болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб кўзнинг ультратовушли биомикроскопияси, оптик когерент томографияси, офтальмологик текширув, гениологик маркерлар ва қоннинг биокимёвий таҳлили материаллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этишда визометрия, рефрактометрия, тонометрия, офтальмоскопия, кератометрия, биомикроскопия, эхография, эхобиометрия, ультратовушли биомикроскопия, оптик когерент томография, генетик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Марфан синдромида беморлар қонидаги ишқорли фосфатаза микдори ошиши, кальций ва фосфор микроэлементлари даражасининг пасайишига олиб келувчи омилларни инобатга олиш зарурлиги исботланган;

Марфан синдромида кўз гавҳари фаолиятини таъминловчи бириктирувчи тўқималар фаолиятининг пасайишига олиб келувчи фиброген оқсилларнинг ўрни ва аҳамияти исботланган;

ҳужайраларнинг энергетик метаболизмида иштирок этадиган ферментлар функционал фаоллиги тўқималаридаги ўзгаришларнинг ривожланишини башорат оимили эканлиги исботланган;

Марфан синдромида кўз гавҳари дислокациясини консерватив даволаш ва жарроҳлик амалиёти кўзнинг сунъий гавҳари имплантанти ёрдамида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Марфан синдромида кўздаги ўзгаришларни эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилиши, ушбу касалликнинг асоратларини олдини олишга асосланган;

Марфан синдромига хос генеологик ва дерматоглифик белгиларнинг аниқланиши касалликни аниқлашдаги қўшимча мезон бўлиб хизмат қилиши исботланган;

ишлаб чиқилган жарроҳлик усули ёрдамида Марфан синдроми билан хасталанган беморларни даволаш тизимининг мукамал реабилитациясини амалга ошириш механизми такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи визометрия, рефрактометрия, тонометрия, офтальмоскопия, кератометрия, биомикроскопия, эхография, эхобиометрия, ультратовушли биомикроскопия, оптик когерент томография, генетик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти келтирилган хулосалар ва таклифлар болаларда Марфан синдромина кўзда намоён бўлишини ташхислашни

такомиллаштириш ҳамда даволаш самарадорлигини оширишга сезиларли ҳисса қўшиши, ўтказилган таҳлиллар кўзнинг эгилувчан РСП–3 сунъий гавҳарини имплантация ва бификсация қилиш орқали ленсэктомия натижаларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Марфан синдроми бўлган болаларда жарроҳлик ва фармакологик коррекциясидан фойдаланиш орқали амалга ошириладиган офтальмологик реабилитация ушбу контингент болаларида кўриш фаолияти фаоллашувига етарлича асос бўлишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Марфан синдромида кўздаги ўзгаришларнинг клиник диагностик хусусиятлари ва жарроҳлик усулида даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болаларда Марфан синдромида кўздаги ўзгаришларни консерватив ва хирургик даволаш усуллари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 26 декабрдаги 8н-р/361-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма Марфан синдроми билан хасталанган болаларни эрта ташхислаш, клиникаси ва касалликнинг кўриш аъзосидаги асоратларини олдини олиш ҳамда тезкор даволаш имконини берган;

«Болаларда Марфан синдромининг клиник-диагностик хусусиятлари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 20 октябрдаги 10н-р/541-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма Марфан синдроми билан хасталанган болаларда кўздаги ўзгаришларнинг клиник белгиларини асослаш ва касалликни эрта ташхислаш имконини берган;

Марфан синдромида кўздаги ўзгаришлар клиникаси, диагностикаси ва жарроҳлик усулида даволашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси офтальмология бўлими, Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси кўз микрохирургия бўлими, Республика клиник офтальмологик шифохонаси ва Қорақалпоғистон Республикаси офтальмологик шифохонаси клиник амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 8н-д/32-сон маълумотномаси). Натижада Марфан синдроми бўлган болаларнинг 81,3% да асосий патологик жараённинг яхшиланиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтига боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Марфан синдромида кўздаги ўзгаришларнинг кечиши, клиникаси ва даволашнинг замонавий тасаввурлари»** деб номланган биринчи бобида касалликнинг этиологик ва патогенетик хусусиятлари; Марфан синдромида беморларнинг микроэлемент мақоми ҳолати; касалликнинг фойдаланилаётган клиник ва дифференциал-диагностик мезонлари; беморларнинг офтальмологик мақоми, шунингдек, Марфан синдромида кўздаги ўзгаришларни хирургик ҳамда консерватив даволашнинг замонавий усуллари ёритилган олтига бобчалардан ташкил топган адабиётлар шарҳи келтирилган.


Диссертациянинг **«Марфан синдромида кўздаги ўзгаришларнинг кечиши, клиникаси ва даволаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида 2004–2014 йиллар давомида Республика скрининг марказида текширувлардан ўтган ва тиббий-генетик маслаҳатида назоратда турган Марфан синдроми бўлган 105 беморлар текшируви натижалари таҳлил қилинган. Марфан синдроми ташхисини қўйиш учун 1996 йилда қабул қилинган Ghent нозологиялар мезони қўлланилган.

Олинган статистик маълумотларга кўра тиббий-генетик маслаҳатда 96 та оиладан 105 нафар Марфан синдроми бўлган беморлар рўйхатда туради, бу 10000 аҳолига 0,08 нисбатни ташкил этади. Улардан Марфан синдроми 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган 45 нафар болалар танлаб олиниб, Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида стационар шароитда текширувлардан ўтган ва даволанган.

Ушбу тадқиқот давомида олиб борилган таҳлил натижаларига кўра беморларнинг 83,80% шахарда, 16,20% эса қишлоқда истиқомат қилади. Бинобарин, шахар аҳолисининг улуши республика умумий аҳолисининг 64% ини ташкил қилганлиги боис беморларнинг яшаш жойига кўра тарқалиш эҳтимоли хи квадрат мезонлари орқали текширилди. Олинган натижаларга мувофиқ қишлоққа қараганда шахарда беморлар ишончли кўпчилиликни ташкил этди ($2\%=17,79$, $df=1$, $p<0,00001$). Бу эса шахарда касалликни ташхислаш юқори даражада эканлиги билан тушунтирилади. Марфан

синдроми билан хасталанган болаларнинг ўртача ёши $10,3 \pm 0,49$ ни ташкил қилди.

Беморлар жинси бўйича қуйидагича тақсимланди: беморларнинг умумий сони 43,95% ини 43 нафар қизлар ва 62 нафар (56,1%) ини ўғил болаларни ташкил қилди.



1-расм. Текширилган болалар ёшининг градацияси.

Жинси бўйича бўлинишдаги тафовут статистик ишончлилик даражасига мос келмади ($\chi^2=1,50$, dfM , $p=0,2206$). Антропометрик маълумотларни солиштирма таққослаш учун 78 нафар жинс ва ёш жиҳатидан ўхшаш амалий соғлом болалардан иборат назорат гуруҳи ташкил этилди. Барча болаларда Тошкент педиатрия тиббиёт институти шифохонасида чуқурлаштирилган визометрия, периметрия, рефрактометрия, тонометрия, офтальмоскопия, биомикроскопия, кератометрия, ёруғликнинг кўздан липилашнинг критик частотаси, бинокляр кўриш қобилятини аниқлаш, ультратовушли биомикроскопия, ультратовушли А ва В сканирлаш текширувлари ўтказилди.

Генеалогик таҳлил ва дерматоглифик текширишлар ушбу тадқиқот давомида Республика скрининг марказида Н.Суммина, Ш.Мидио стандарт методикаси бўйича текширувдан ўтган барча контингентда амалга оширилди. Айрим микроэлементлар (кальций, магний ва фосфор) таркиби ҳамда лактатдегидрогеназлар даражасини аниқлаш Республика скрининг маркази биокимёвий лабораториясида текширилган контингент қисмида реактивлар жамланмасига таклиф этилган ишлаб чиқарувчи кўрсатмаларига мувофиқ амалга оширилди.

Ушбу бобда шунингдек, тадқиқот муаллифи томонидан ишлаб чиқилган Марфан синдромида «Ленсэктомия ва ИОЛни РСР–3 моделини имплантация ва бификсация қилиш» патогенетик асосланган гавҳар эктопиясини жарроҳлик йўли билан даволаш усуллари келтирилган.

«STATISTIKA» пакетидан фойдаланиб қайта ишланди. Умумқабул қилинган вариацион статистика методлари қўлланилиб, Стъудент мезони бўйича тафовутларнинг ишончлилигига баҳо берилди.

Диссертациянинг «Болаларда Марфан синдромининг клиник-офтальмологик характеристикаси» деб номланган учинчи бобида Марфан

синдроми бўлган болаларнинг эпидемиологик ва диагностик хусусиятлари ҳамда офтальмологик текширув натижалари тақдим этилган.

Бизнинг тадқиқотларимизга асосан Марфан синдроми бўлган болаларда барча ёш гуруҳларида бўй кўрсаткичларининг ишончли ортиши кузатилди. 3–7 ёшли болалар назорат гуруҳидаги ўзи тенги болалардан 41,7 см, 8–11 ёшлилари 13,2 см, 12–15 ёшдагилар 7,3 см баландлиги аниқланди.

Вазн (оғирлиги) кўрсаткичлари ўрганилганда тескари боғлиқлик аниқланди. Марфан синдроми бўлган 3–7 ёшли болаларнинг кўрсаткичлари назорат гуруҳи кўрсаткичлардан 1,7 маротаба ошди ($P < 0,001$). 8–11 ёшда тана вазни назорат гуруҳига тенглашгани кузатилди ($30,5 \pm 1,7$ ва $30,4 \pm 1,1$). 12–15 ёшда болаларда тана вазнининг 1,2 баробар ишонarli камайиши кузатилди ($P < 0,05$). Шу тариқа Марфан синдромили болаларда 15 ёшга келиб бўйнинг ўсиб кетиши ва тенгдошларига караганда тана вазни етишмаслиги кузатилади, яъни уларда астеник тана қурилиши қайд этилади. Антропометрик текширувлар давомида барча беморларда аҳамиятли антропометрик ўзгаришлар қайд этилди: панжа/бўй нисбати $12 \pm 0,9\%$, қов супачасидан ергача бўлган масофа умумий бўйнинг ярмидан ўртача $4,9 \pm 0,1$ сантиметрга юқорилиги, тирсак бўғимлари букилиши чекланганлиги, араходактилия, готик танглай, катта бармоқ ижобий тести, билакнинг ижобий тести. 19 нафар беморнинг қулочи бўйидан 5 см га кўпроқ бўлди, оёқ юзи/бўй нисбати $17,5 \pm 0,5\%$, кўрсаткич бармоғи узунлиги $11 \pm 0,7$ см, кўкрак қафаси деформацияланган. 36 нафар болада (61,0%) юрак қон-томир, скелет ва кўриш аъзолари тизими шикастланиши кузатилди.

Келтирилган маълумотларга мувофиқ баллдаги баҳолар ёш билан ошиб боради, бу эса мазкур касаллик ривожланишга мойил эканлигини кўрсатади. Тизимли баҳолаш ўртача кўрсаткичи ва бемор ёши ўртасидаги корреляцион алоқани ўрганиш натижасида тўғридан-тўғри ижобий боғлиқлик борлиги аниқланди ($r = +0,627$), яъни бола катта бўлгани сайин баллар юқорирок бўлаверади.

41 нафар бола (82 та кўз) офтальмологик текширувдан ўтказилди. Беморлар контингенти 2 гуруҳга ажратилди: асосий гуруҳни ушбу тадқиқот давомида ишлаб чиқилган схема бўйича комплекс даволанган Марфан синдромили 26 нафар бола (52 та кўз) ташкил этди; назорат гуруҳига худди шундай патологияли, анъанавий даволанган 15 нафар бола (30 та кўз) киритилди. Марфан синдроми бўлган беморларда 20,7% ҳолатда кўз гавҳари дислокацияси учраши аниқланди. Балларни тизимли баҳолашга киритилган миопия – 24,3%, гиперметропия эса 33,3% беморларда учради. 15,9% ҳолатда учрайдиган иккиламчи ғилайлик амблиопия борлигидан далолат беради.

Беморларнинг кўриш ўткирлиги ўрганилганда асосий гуруҳда бу кўрсаткич $0,085 \pm 0,02$, назорат гуруҳида эса – $0,07 \pm 0,025$ га тенг эканлиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвалга асосан Марфан синдроми билан хасталанган беморларга кўриш ўткирлиги пасайиши хос бўлиб, у $0,03$ – $0,5$ ни ташкил этади. Бундай ҳолат кўз гавҳари дислокацияси ва кўз тубининг хамкор ўзгаришлари билан боғлиқ. Кўриш ўткирлиги бошланғич кўрсаткичлари ҳолати бўйича иккала

гуруҳда ишончли фарқ бизнинг тадқиқотларимизда аниқланмади.

1-жадвал

Беморларни коррекциясиз кўриш ўткирлиги бўйича тақсимланиши

Текширилганлар гуруҳи	VISUS	Pr. certae, 0,02	0,03–0,05	0,06–0,1	0,2–0,4	0,5-0,7	0,8– 1,0	M±m
Асосий гуруҳ (n=52)	Абс	8	9	8	9	12	6	0,085±0,02
	%	15	17	15	17	23	12	
Назорат гуруҳи (n=30)	Абс	9	10	6	2	1	2	0,07±0,025
	%	30	33	20	7	3	7	
Жами (n=82)	Абс	17	19	14	11	13	8	0,078±0,02
	%	20	23	17	13	16	10	

Олиб борилган текширувлар кўрсатишича, беморларнинг асосий гуруҳида цинн боғламлари узилишлари ва кўз гавҳари дислокацияси 52,6%, капсула узилиши – 11,4%, кўз гавҳари хиралашиши – 21,2%, кўз гавҳари флотацияси эса 14,8% ҳолатда учради. Биомикроскопия текширувларига кўра шаффоф кўз гавҳари икки томонлама люксацияси 11 та (13,4%) кўзда кузатилган, цинн боғламлари пастки қисмининг ноқобиллиги ва чўзилганлиги, қирғоқлари текис эмас, балки аррасимон шаклга эга эканлиги кузатилди. 3 та ҳолатда бир томонлама кўз гавҳари люксацияси қайд этилди. 5 та кўзда кўз гавҳари олдинги камерага, 3 та кўзда эса орқа камерага силжиган. Битта беморда кўз гавҳари кўз қорачиғи соҳасида горизонтал ҳолатда жойлашиб, доимий равишда кўз камералари орасида кимирлаб турган. Кўз гавҳари силжиши билан турли даражадаги катаракта 14 та (20,3%) кўзда аниқланган бўлиб, кўз гавҳарининг орқа кортикал ва субкортикал қаватлари хиралашуви билан характерланади. Бунда кўриш ўткирлиги сезиларли даражада пасайиб, 0,04–0,07 га тенг бўлди. 2 нафар бемор – 3 та кўзда илгари жарроҳлик амалиёти ўтказилган, шу муносабат билан уларда афакия кузатилган. Ота-оналари сўзларига қараганда, орқа капсуласи йўқлиги сабабли интраокуляр коррекция амалга оширилмаган. Бир нафар беморда (3,85%) шишасимон танча қўпол бузилгани аниқланди.

Олинган маълумотларга кўра текширув ўтказилган болалар контингентидан 20 та кўзда (9,5%) эмметропик рефракция, 85,7% болаларда (90 та кўз) амметропия кузатилди. 23 та кўздаги рефракция аномалиялари (24,3%) миопия, 30 (33,3%) та кўзда – гиперметропия, 39 (43,4%) та кўзда – астигматизм кўринишида намоён бўлган. 10 нафар бемор кўзида (4,8%) кўз гавҳари хиралашгани учун рефракцияни аниқлаш имкони бўлмади.

Ўтказилган тонометрия натижаларига кўра 10 нафар беморда туғма ва 3 нафар беморда фактопик глаукома бўлишига қарамасдан, текширилганлар контингенти кўрсаткичлари (асосий гуруҳда – 21,0±4,3 мм сим.уст., назорат

гуруҳида эса $22,3 \pm 4,6$ мм. сим. уст.) меъёрдаги маълумотлардан фарқ қилмади.

Анамнестик кўрсаткичлар таҳлили ва объектив кўрик натижаларига кўра Марфан синдромли болаларда глаукома ривожланишининг бирламчи сабаблари, биринчи навбатда, анатомик ўзгаришлар билан боғлиқлиги аниқланди, бу ўзгаришлар кўз гавҳари цинн боғламлари кенгайиши, шунингдек, орқа гиалоид мембрана деструкцияси ва ажралиши кўринишидаги шишасимон танадаги ўзгаришлар билан характерланади.

Ультратовушли биомикроскопия натижаларига кўра шох парда қалинлиги ўртача олганда $0,44 \pm 0,01$ га тенг бўлган, иккала таққослаш гуруҳида у бир хил эди. Беморларнинг асосий гуруҳида олдинги камера чуқурлиги ўртача $2,37 \pm 0,25$ га тенг бўлган, жуфт кўзда эса бу кўрсаткич $2,73 \pm 0,15$ га тенг бўлган. Назорат гуруҳида у $2,16 \pm 0,29$ ни ташкил этди, жуфт кўзда эса у $2,87 \pm 0,23$ га тенг бўлган. Бизнингча, кўз гавҳари қалинлигининг меъёрдаги кўрсаткичларга қараганда ишончли ($p < 0,05$) ортиши кўз гавҳари дислокацияси ва кўз гавҳари боғловчи аппарати ноқобиллиги билан боғлиқ.

2-жадвал

Марфан синдроми бўлган беморларда ультратовушли биомикроскопия кўрсаткичлари


	Асосий гуруҳ (n=52)	Назорат гуруҳи (n=30)	Жами	P
Шох парда қалинлиги	$0,44 \pm 0,01$	$0,43 \pm 0,01$	$0,44 \pm 0,01$	0,482
Олдинги камера чуқурлиги	$2,37 \pm 0,25$	$2,16 \pm 0,29$	$2,26 \pm 0,19$	0,585
Олдиги камера бурчаги	$13,21 \pm 1,50$	$15,10 \pm 1,19$	$14,22 \pm 0,93$	0,147
Қорачиқ диаметри	$3,50 \pm 0,26$	$3,50 \pm 0,26$	$3,41 \pm 0,16$	1,000
Орқа камера чуқурлиги	$0,71 \pm 0,07$	$0,84 \pm 0,09$	$0,78 \pm 0,06$	0,258
Гавҳар қалинлиги	$4,13 \pm 0,16$	$4,14 \pm 0,16$	$4,14 \pm 0,11$	0,965

Шу билан бирга асосий гуруҳдаги беморларда олдинги камера бурчагининг кенглиги назорат гуруҳига қараганда ишончли паст ($p < 0,05$).

Ўтказилган офтальмоскопия натижаларига кўра Марфан синдроми бўлган беморларда энг кўп (23,3%) кўрув нерви атрофияси ва (21,7%) тўр парда ривожланмаганлиги кузатилди.

Диссертациянинг «**Болаларда Марфан синдромининг генеалогик ва дерматоглифик белгилари**» деб номланган тўртинчи бобида генетик текширувлар натижалари келтирилган. Марфан синдроми бўйича мойиллик даражасини генеалогик усул билан аниқлаш мақсадида 115 нафар I даражадаги қариндошлик ришталари билан боғланган яқин қавмлар (ота-оналар, ака-укалар) текширилди. Оиланинг 2–3 авлодида касаллик ҳақида батафсил маълумот киритилган шажара тузилди. Генетик материал ҳар иккала ота-онанинг, баъзан бува ва бувининг қариндошлари борасида ўзаро

сўровнома йўли орқали тўпланди. Мисол тариқасида А.С.нинг (10 ёш) қариндошлик шажарасини келтирамиз:



- ▨ – кўзидаги ўзгаришлари мавжуд беморлар
- – Марфан синдром мавжуд болалар

2-расм.. Марфан синдроми ташхиси қўйилган 10 ёшли бемор А.С.нинг қариндошлик ришталари.

Қариндошчиликни таҳлил қилишда олинган маълумотларга кўра 72% ҳолатда она томондан ҳам, ота томондан ҳам бириктирувчи тўқималар касаллиги мавжудлиги аниқланди. 54% қариндошларда юрак қон-томир тизимида ўзгаришлар билан бирга кўзда ўзгаришлар ҳам белгиланди (2-расм). 62% қариндошларнинг ҳар бир авлодида Марфан синдроми белгилари учради. Улардан 26 та оилада 2 нафар оила аъзосида Марфан синдроми кузатилди, 18 та оилада – 3 нафар ва ундан кўпроғида касаллик аниқланди.

Марфан синдроми бўлган 56,6% қариндошларда кўкрак кафаси, умуртқа поғонаси деформацияси ва турли даражадаги миопия каби Марфан синдромининг ёндош белгилари аниқланди. Марфан синдромили 48% қариндошларда узун бўйлилик, кўз ва юрак қон-томир тизими ўзгаришларининг ёндошлиги кузатилди. 32% ҳолатда сублюксация + узун бўйлилик + арахнодактилия белгиланди. 17% ҳолатда Марфан синдромининг клиник кўринишлари фониди талваса билан МНС ўзгаришлари қайд этилди.

Олинган маълумотлар Марфан синдромида кўз кўринишлари сонига оилавий мойиллик таъсир этишини кўрсатди. Шунингдек, тадқиқот давомида, 6 нафар (26,1%) текширилган беморларнинг барчасида кўриш аъзосининг ўзгариши Марфан синдромининг ягона белгиси бўлганлиги аниқланди, генетик тадқиқотлар бундан мустасно.

Шундай қилиб, Марфан синдроми 62% ҳолатда қариндошчиликнинг ҳар бир авлодида учрайди, бу касалликни вертикал йўналишда ўтказиш

дейилади. Бемор ва соғлом қариндошларнинг ўзаро нисбати 1:1 га яқинлашади. Эркак ва аёл беморлар касалликни фарзандлари – ўғил ва қизларига бир хил ўтказишади. Касаллик қанчалар репродукцияда оғирроқ акс этса, тасодифий ҳолатлар (янги мутациялар) пропорцияси шунча кўп бўлади.

Дерматоглифик тадқиқот Марфан синдроми 26 нафар бемор болалар (асосий гуруҳ) ва 20 нафар мутлақо соғлом болалар (назорат гуруҳи)да ўтказилди. Барча текширилганлар бир хил ёшда бўлишган. Асосий гуруҳ дерматоглифларини таҳлил қилиш бармоқ ва қафт чизикларининг табиати ва интенсивлигида маълум икки томонлама фарқлар мавжудлиги ҳақида гапиришга имкон беради. Тадқиқот натижаларига кўра Марфан синдроми болалар гуруҳида чизиклар, ёй, ульнар ва радиал илмоқлар тақсимланишида фарқ борлигини кўрсатди. Назорат гуруҳидан фарқли равишда асосий гуруҳда тароксимон ҳисоб ошди, бундан ташқари IV гуруҳ пайдо бўлди. Назорат гуруҳида чизиклар туташуви қайд этилмади. Айни пайтда Марфан синдромида иккала қўл бармоқларида (tt'') кузатилди, бир вақтнинг ўзида чап қўл бармоқларида учталиқ учрадиуслар (ttt'') ва учрадиуснинг йўқлиги иккала қўл бармоқларида кузатилди, бу уларни назорат гуруҳидаги манзарадан фарқлади.

Диссертациянинг **«Марфан синдроми бўлган болаларда микроэлемент мақоми ва хужайра энергия алмашилиш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларнинг кўздаги ўзгаришлари билан ўзаро боғлиқлиги»** деб номланган бешинчи бобида Марфан синдроми бўлган болалар қон зардобиде баъзи микроэлементлар миқдори таҳили келтирилган. Марфан синдроми бўлган болаларда қон зардобидеги кальций миқдорини ўрганилганда ушбу кўрсаткич $2,1 \pm 0,04$ ммоль/л ни ташкил этиши аниқланди, бу соғлом болаларнинг кўрсаткичларидан ($2,45 \pm 0,08$; $P < 0,01$) ишончли паст бўлди.

Вариация қаторини таҳлил қилишда Марфан синдроми бўлган 46,4% болада ушбу кўрсаткичнинг пасайганлиги, 7,1% болада эса кўрсаткичнинг меъёр доирасида унинг қуйи чегараларида бўлганлиги аниқланди. Шунингдек, Марфан синдроми бўлган 13,3% болада P даражасининг ишончли пасайганлиги қайд этилди ($P < 0,05$). 4,8% болада ушбу кўрсаткичнинг 0,3 ммоль/л гача кескин пасайганлиги кузатилди. 19% болада кўрсаткичлар меъёрнинг қуйи чегараларига етди. Қонда P миқдорининг ошиши Марфан синдроми бўлган 9,5% болада қайд қилинди. Mg кўрсаткичларини ўрганиш 14,3% болаларда ушбу кўрсаткичнинг 1,5 ммоль/л гача ошганлигини кўрсатди. Бошқа ҳолларда меъерий кўрсаткичлар кузатилди.

Марфан синдроми бўлган болаларда ишқорий фосфотаза фаоллик кўрсаткичларининг вариация қаторини тузишда 57,1% беморда (24 нафар бола) кўрсаткичлар юқори бўлганлиги аниқланди, бошқа ҳолларда эса кўрсаткичларнинг меъёр чегарасидалиги қайд этилди. Ишқорий фосфотазанинг юқори кўрсаткичлари суяк тўқимасининг яққол ифодаланган шикастланишлари бўлган Марфан синдроми болалар учун хос бўлди.

Текширилган болаларда ишқорли фосфатазанинг фаоллиги соғлом болалар кўрсаткичларидан 4 марта юқори бўлди ($P < 0,001$).

Диссертациянинг «**Болаларда Марфан синдромининг кўздаги ўзгаришларини даволаш натижалари**» деб номланган олтинчи бобида Марфан синдромида бириктирувчи тўқимага бевосита таъсир қилувчи метаболик давонинг оптималлаштирилган тизими ишлаб чиқилган ва келтирилган. Ушбу даволаш таркибига асосан юрак-томир тизими шикастланганда бета-адреноблокаторлар – обзидан, атенолол - 10 мг/сут, 6 – 12 ва ундан ортиқ ой давомида қўллаш ижобий натижа кўрсатди. Парҳез билан даволашда: гўшт, балиқ, денгиз маҳсулотлари, соя, дуккакли ўсимликлар; қуюқ қайнатма шўрвалар, каттиқ пишлоқлар, устидан 1:4 лимон шарбатини ичиш тавсия этилди. Марфан синдромида эндокрин тизимидаги бузилишлар таркибида ёғ миқдори юқори бўлган муайян парҳезга риоя қилиш ёрдамида қисман тикланиши тасдиқланди. Бу касалликда бола вазнининг ортиқча ортиши организмда соматотроп гормонининг кўп ҳосил бўлиши натижасида юзага келади. Ёғ кислоталари бу гормонни ишлаб чиқариш жадаллигини пасайтиришга ёрдам беришини эътиборга олиб, уларни овқат билан бирга истеъмол қилиш тавсия этилди.

Коллаген ҳосил бўлишини кучайтириш мақсадида: витаминлардан B_1 , B_2 , B_6 , аскорбин кислотаси, токоферол, витамин А, магний B_6 қўлланилди. Гликозаминогликанлар синтези ва катаболизми бузилишларини тиклаш мақсадида таркибида глюкозаминсульфат мавжуд препаратлар ишлатилди. Кейинги курс даволашда таркибида хондроитинсульфат бор бўлган препаратлардан фойдаланилди. Минерал алмашинувини стабиллаш мақсадида Са-Д3 никомед, остеогенон, эргокальциферол қўлланилди. Энерготропик ва антиоксидант дори моддаларидан рибоксин, элькар, димефосфон, лимонтар тайнланди. Ноотропик препаратлардан пирацетам қўлланилди. Дори-дармонлар билан даволаш билан биргаликда комплекс шифобахш таъсир этувчи муолажалар: бўғимлар учун магнитотерапия (курс 10 сеанс, йилига 3 курс), электроуйқу (курс 10 сеанс – йилига икки марта), таянч-ҳаракат аппаратида кўпроқ таъсир этадиган даволовчи жисмоний тарбия машқлари (курс 14 кун, йилига 4 курс), суяк ва бўғимлар ёки юрак-томир тизими функцияси бузилган беморлар учун санаторий (даволаниш курси 24 кун – йилига 1 марта) ўтказилди.

Жисмоний зўриқишда толерантликнинг ортиши, мушаклар кучининг ошиши, мактабда ўзлаштиришнинг яхшиланиши ўтказилган даволаш самарадорлигининг клиник мезонлари бўлиб хизмат қилди.

Марфан синдроми бўлган болаларни комплекс даволашдан сўнг Са, Р, Mg ва ишқорий фосфотаза 75% болаларда меъерий кўрсаткичларга эришилди, қолган ҳолатларда кўрсаткичларда мусбат динамика кузатилди. Марфан синдроми бўлган болаларда микроэлементларнинг миқдорий таркиби меъерий кўрсаткичларга яқинлашди ва Са – $2,3 \pm 0,05$ қарши $2,45 \pm 0,08$, Р – $1,5 \pm 0,04$ қарши $1,5 \pm 0,06$, Mg – $0,83 \pm 0,04$ қарши $0,82 \pm 0,02$ ни ташкил этди.

Шунингдек, ушбу бобда МСли болаларда гавҳар эктопиясини жаррохлик усулида даволаш натижалари ҳам таҳлил қилинган. МС бўлган 41 нафар бола (43 та кўз) операция қилинди. Беморлар икки гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳга (асосий) лентэктомия операцияси давомида орқа камерали эгилувчан интраокуляр РСП – 3 моделдаги линза қўйилган 26 нафар (28 та кўз) бола киритилди; 2-гуруҳга (назорат) ОМНИ моделидаги олдинги камерали ИОЛ имплантацияси билан лентэктомия бажарилган 15 нафар (15 та кўз) бемор киритилди. Турли усулларда операция қилинган 43 та кўз орасида операция пайтида, операциядан кейинги эрта ва кечки асоратлар қайд этилган эди (3-жадвал). Шунга қарамасдан операция қилинган кўзларнинг кўпида операциядан кейинги босқич силлиқ кечди.

3-жадвал

Беморларни жаррохлик усулида даволаш асоратларининг турлари бўйича тақсимланиши

Асоратлар шакли	Асосий гуруҳ (n=28)		Назорат гуруҳи (n=15)		χ^2	P	Жами (n=43)	
	Асосий	Процент	Назорат	Процент			Асосий	Назорат
Интраоперацион асоратлар	16	57,1	7	46,7	0,43	0,512	23	23
Операциядан кейинги эрта асоратлар	4	14,3	4	26,7	0,99	0,320	8	8
Операциядан кейинги кечки асоратлар	1	3,6	4	26,7	5,07	0,024	5	5
Асоратсиз	7	25,0	0	0,0	4,48	0,034	7	7

Интраоперацион асоратлар асосий гуруҳдаги беморларда 57,1% ҳолатда учради, назорат гуруҳида эса – 46,6%. Иккала гуруҳда шишасимон тананинг чиқиши каби интраоперацион асоратлар бир хил (50%) кузатилди. Шунинг учун барча ҳолатларда қорачиқ соҳасида олдинги қисман витреоектомия муолажаси ўтказилди. Шунингдек, операция давомида асосий гуруҳдаги беморларнинг 14,2% ва назорат гуруҳидаги беморларнинг 12,5% ида рангдор парда томирларидан қон кетиши натижасида гифема кузатилди. Жуда кўп ҳолларда (13,3%) рангдор парда операция жараёнида шикастланган (4-жадвал).

Асосий гуруҳда операциядан кейинги гипертензия кузатилмади, назорат гуруҳида эса 12,5% беморда кузатилди, шунинг учун гипертензив препаратлар тайинланди ва 10 кун давомида ҳар куни кўзлар массаж қилинди.

4-жадвал

Текширилган беморларнинг асоратлар бўйича тақсимланиши

	Асосий гуруҳ (n=28)		Назорат гуруҳи(n=15)		χ ²	P	Жами (n=43)	
Шишасимон тананинг тушиб қолиши	14	50,0	8	53,3	0,04	0,835	22	51,2
Гифема	4	14,3	2	13,3	0,01	0,932	6	14,0
Рангдор парда йиртилиши	1	3,6	3	20,0	3,12	0,077	4	9,3
Кўз ички босими ошиши	0	0,0	2	13,3	3,92	0,048	2	4,7
Шох пардада шиши	1	3,6	8	53,3	14,61	0,000	9	20,9
Шох парда эпителиал дистрофияси	1	3,6	1	6,7	0,21	0,646	2	4,7
КСГ(ИОЛ)дислокацияси	0	0,0	1	6,7	1,91	0,167	1	2,3
Қорачиқ сохасида фибрин	0	0,0	2	13,3	3,92	0,048	2	4,7
Орка капсула ёрилиши	0	0,0	2	13,3	3,92	0,048	2	4,7
Тўр парда кўчиши	0	0,0	1	6,7	1,91	0,167	1	2,3
Асоратсиз	7	25,0	0	0,0	4,48	0,034	7	16,3

Асосий гуруҳ беморларида операциядан кейинги эрта асоратлар 14,3% ҳолатда қайд этилди, бу пайтда назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич 26,7% ни ташкил этди

Олинган тадқиқот натижаларига кўра РСП–3 орка камерали ИОЛ имплантациясида операциядан кейинги кечки даврдаги асоратлар 3,6%, назорат гуруҳида эса 26,7% беморда кузатилди.

Жарроҳликдан 6 ойдан сўнг беморларнинг кўриш ўткирлиги сезиларли яхшиланди ва $0,46 \pm 0,051$ га тенг бўлди (5-жадвал). Асосий гуруҳда ушбу кўрсаткич $0,56 \pm 0,088$ ни ташкил этди, бу қилинган операцияларнинг самарадорлигини кўрсатди. Назорат гуруҳида бу кўрсаткич $0,375 \pm 0,054$ ни ташкил этди. Болаларда эрта ИОЛ имплантацияси операциядан кейинги узоқ муддатларда шишасимон тана ва ИОЛ дислокацияси томонидан дистрофик ўзгаришларга олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар ушбу тадқиқот давомида ўз тасдиғини топмади.

5-жадвал

Беморларнинг хирургик даволанишдан 6 ойдан кейин кўриш ўткирлиги бўйича тақсимланиши

Кўрсаткичлар	Асосий гуруҳ (n=28)		Назорат гуруҳи (n=15)		χ ²	P	Жами (n=43)	
Pr. L. certae	0	0	0	0			0	0
0,01–0,03	0	0	0	0			0	0
0,04–0,06	0	0	0	0			0	0
0,08–0,1	0	0	0	0			0	0
0,1–0,3	3	10,7	3	20,0	0,70	0,402	6	14,0
0,3–0,5	2	7,1	4	26,7	3,10	0,078	6	14,0
0,6–1,0	9	32,1	2	13,3	1,82	0,178	11	25,6

Назорат гуруҳидаги беморларнинг операциядан кейинги кеч асоратлари ҳам асосий гуруҳга нисбатан анча юқори бўлди (мос равишда 3,6% га нисбатан 26,7%). Таъкидлаш жоизки, асосий гуруҳдаги 25% беморларда операциянинг ҳеч қандай асоратлари қайд этилмади.

Олиб борилган таҳлил натижаларига асосланиб эгилувчан РСР-3 ИОЛ имплантацияси билан ленсэктомия натижаларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди. Айтиш мумкинки, ленсэктомия ва орқа камерали ИОЛ имплантацияси ўзининг кам жароҳатлилиги ва техник жиҳатдан анча физиологиклиги ва хавфсиз жойлашиши сабабли олдинги камерали ИОЛ имплантациясига нисбатан юқори функционал натижаларга олиб келади.

ХУЛОСАЛАР

«Марфан синдромида кўздаги ўзгаришларнинг клиник-диагностик хусусиятлари ва жарроҳлик усулида даволаш» мавзусидаги тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Олинган статистик маълумотларга кўра тиббий-генетик маслаҳатда 96 та оиладан 105 нафар Марфан синдроми бўлган беморлар рўйхатда туради, бу 10000 аҳолига 0,08 нисбатни ташкил этади. Касаллик шажаранинг ҳар бир наслида 62% ҳолатда учрайди, бу касалликнинг вертикал равишда узатилишини кўрсатади. Касал ва соғломларнинг нисбати 1: 1 га яқин. Бемор эркак ва аёллар касалликни ўз фарзандларига – қиз ва ўғил болаларга тенг равишда ўтказадилар.

2. Марфан синдроми бўлган болаларда микроэлементлар ҳолати характерли хусусиятлари ишқорий фосфатаза миқдори ошиши фонида қондаги кальций ва фосфор даражасининг камайиши билан характерланади.

3. Марфан синдромининг энг кўп учрайдиган кўздаги кўринишлари гавҳар люксацияси (46,16%), тўр парда ва кўрув нерви дискидаги ўзгаришлар (45%) ва катаракта (26,92%) бўлиб, улар касаллик зўрайганда иккиламчи глаукома (18,8%), гавҳар миопияси (23,2%) ва ғилайлик (15,9%) каби асоратларга олиб келувчи омиллар ҳисобланади. Текширилганларнинг 25,6% ида, генетик текширувларни истисно этганда, кўриш аъзоларидаги ўзгаришлар Марфан касаллигининг ягона белгиси саналади.

4. Дерматоглифик текширувлар Марфан синдромида (t't") бирикма иккала қўл бармоқларида кузатилди, учталиқ учрадиуснинг(tt't") бир вақтда чап қўлда бўлиши ва иккала қўл бармоқларида учрадиуснинг бўлмаслиги соматик соғлом болалар бармоқларидаги кўринишдан фарқ қилади.

5. Марфан синдроми бўлган беморларни даволаш алгоритмига коллаген ҳосил қилувчи, метаболик, макро ва микроэлементлар етишмаслиги ўрнини босувчи воситалар киритилиши керак.

6. Марфан синдроми бўлган болаларда кўздаги ўзгаришларни тавсия этилган орқа камера ИОЛ имплантацияси ёрдамида хирургик коррекциялаш усулининг анъанавий усулга нисбатан юқори самарадорлиги кўриш фаолиятининг ошиши, асоратларнинг камайиши ва операциядан кейинги даврда беморларнинг тез реабилитацияси билан тасдиқланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.12.2017.Tib.59.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ТОШПУЛАТОВА АРОФАТ ЗИЕВУТДИНОВНА

**КЛИНИКО-ДИАГНОСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ И
ХИРУРГИЧЕСКОЕ ЛЕЧЕНИЕ ГЛАЗНЫХ ПРОЯВЛЕНИЙ
СИНДРОМА МАРФАНА**

14.00.08 – Офтальмология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Tib40.

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации размещен на трех (узбекском, русском, английском (резюме)) языках на веб-странице Научного совета (www.tsdі.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Бузруков Ботир Тулкунович
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты:

Билалов Эркин Нозимович
доктор медицинских наук, профессор

Имантаева Майра Беримжановна (Казакстан)
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

ФГАУ «НМИЦ «МНТК «Микрохирургия глаза» им. академика С.Н.Федорова» Минздрава РФ

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте. Адрес: 100047, г.Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tsdi2016@mail.ru.

С диссертацией доктора философии (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирована за № _____). Адрес: 100047, г.Ташкент, Яшнабадский район, улица Махтумкули, 103. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2019 года).

Ж.А.Ризаев

председатель Научного совета по присуждению научных степеней, доктор медицинских наук

Л.Э.Хасанова

научный секретарь Научного совета по присуждению научных степеней, доктор медицинских наук, доцент

Х.М.Комилов

председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, Герой Узбекистана, д.м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день одной из самых актуальных проблем офтальмологии во всем мире является применение современных методов лечения заболеваний хрусталика и катаракта. Одной из причин смещения хрусталика является врожденные аномалии – синдром Марфана. Синдром Марфана является наследственным заболеванием и связан с поражением соединительной ткани, т.е. «... доминирующие гены передаются из поколения в поколение, поскольку дефекты соединительной ткани возникают в различных органах, таких как скелет, глаза, сосуды, нервная система, кожа и легкие...»¹. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) в мире «... один из 10000 детей рождаются с синдромом Марфана, это связано с мутацией гена белка 15-хромосомы фибриллина, который вызывает мутации, вызывающие антитела к структуре и продукции фибриллина...»². Более чем у половины пациентов с синдромом Марфана наблюдалась люксация хрусталика одного глаза. Смещение хрусталиков может быть минимальным или значительным. Кроме того, у пациентов были диагностированы миопия, глаукома и катаракта.

В мировом масштабе для достижения высокой эффективности клинической диагностики и хирургического лечения глазных проявлений синдрома Марфана проводится ряд научных исследований, в том числе, оценки частоты встречаемости синдрома Марфана и клинико-социальной характеристики, функциональной активности ферментов, участвующих в энергетическом метаболизме клеток и микроэлементного статуса. С целью предотвращения эктопии хрусталика у детей с синдромом Марфана ведется разработка профилактических методов лечения. Важное значение имеет разработка комплекса оздоровительных мер, направленных на оценку эффективности снижения риска операционных и послеоперационных осложнений при ранней диагностике заболеваний хрусталика и удалении хрусталика, усовершенствовании хирургических методов лечения изменений хрусталика при синдроме Марфана.

В настоящее время в нашей стране проводится ряд мер по профилактике и ликвидации хронических заболеваний. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям на 2017–2021 годы определены главные задачи по социальной защите населения, где приоритетное значение имеет «...реализация комплексных мер, направленных на укрепление здоровья населения, обеспечение снижения показателей заболеваемости и повышение продолжительности жизни, путем формирования здорового образа жизни и профилактики заболеваний, укреплению материально-технической базы медицинских учреждений, охране материнства и детства ...»³. Реализация

¹ Делягин В.М., Синдром Марфана // Практическая медицина, 2008, № 28. – С. 39–43; Ольхова О.В. Родинна форма синдрому Марфана: варіанти вад очей // Мистецтво лікування. – 2010, № 6 (72). – С.110–112.

² Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотлари, 2017 йил.

³ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 07.02.2017.

данных задач позволит поднять на новый уровень оказание современной качественной медицинской помощи, профилактики и диагностики заболеваний органа зрения, усовершенствование применения современных технологий, существенно снизить частоту заболеваемости среди населения, повысить продолжительность жизни населения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 7 февраля 2017 года, в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 20 июня 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данном направлении.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

